

Адабиётшунос олим Козокбой Йўлдошев билан баҳс

Алишер Назар: Одамият жаннатдан кувилгандан бери ўзининг мохиятини ахтаради. Бу изланиш эса унга хаёт, завку шавқ, ва халоват беради. Инсон ўзини англаш йўлида кўп шарафли йўлларни босиб ўтди. Замон тили билан айтганда юксак таракдиётга, цивилизацияга эришди. Лекин... биласизми, инсоният муаммоларининг кўлами хечам ўзгаргани йўк. Аксинча, бу муаммолар асрдан-асрга улканлашиб, боши берк кўчага кириб бормокда. Келинг, кичгинагини бир мисол келтирамиз: тасаввур килинг, зарурат бўлса бугун экранда танамизнинг хар бир хужайрасини кузатиш, унинг устида тажриба ўтказиш ва хатто харакатланишини таъминлаш имкони бор. Лекин шу аппаратларга яраша касаллигимиз хам бор-да! Муаммо хамон ўша: хасталикдан кутулиш! Инсоннинг муаммосини хал этолмаган "кулайлик" кандай килиб тараккиёт бўлади? Менинг назаримда, инсоният асли тараккиётдан куйига караб харакатланётгандек.

Шу маънода айтадиган бўлсак, инсониятнинг бадиий тафаккур тарзи хам асрдан-асрга саёзлашиб, гариблашиб, сийкалашиб бораётгандек. Ахир буюк Навоий СЎЗининг кудратини беш асрдан бери шарх киламиз. Хазратнинг сўзи ўнлаб, юзлаб адабиётчиларни профессор килди. Лекин начора, бошка Навоий тугилмади.

Минг вахки, бадиий тафаккурнинг саёзлашиши азалий ўзанларни хам ўзга томонларга буриб юбормокда. Аслида юксак хаёлот маҳсули адабиёт - инсоннинг хакир дунё ташвишларидан, шафкатсиз хаёт синовларидан ўтишида энг якин кўмакчи, сирдош ва маслахатчидир. Бирок, XXI асрга келиб, том маънода адабиёт хам "ер"га тушди. Тириклил манбаига, турмуш дастёрига, гоявий куролга ва хакозоларга айланиб бормокда.

Козокбой ака, бу тарзда адабиётнинг саёзлашишида адабий танкидчиликнинг хиссаси катта десам муболага килмайманми? Чунки адабий танкидсиз адабиёт ривожланмайди. Адабий танкидчи, адабий яратувчи хамdir.

Козокбой Йўлдошев: Жавобни охирги икки гапингизга тўла кўшилишимни айтишдан бошлаганим маъкулга ўхшайди. Аслида-ку, юкоридаги даъволарингизда анча ошириб юбораётганингизни ўзингиз хам билиб турибсиз. Сухбат сал кескинрок бўлиши учун шундай журналистик усул кўлляяпсиз, шекилли. Илмий тараккиётнинг жуда шитоб билан бораётгани одам умрининг узайишида, бевакт ўлимнинг камайишида, бир одамнинг ўз умри давомида жуда кўп ишлар килиб колиш имконияти ошиб бораётганида кўриб-билиб турибмиз. Эҳтимол, инсон маънавияти борасида таназзул кечётгани хакида гапирилса, жўялидир.

Энди салкам олти асрдан буён бошка Навоий тугилмаганига келсак, бошка Навоий хеч качон тугилмайди. Бунинг кераги хам йўкдир. Зоро, чин санъат ва чинакам санъаткор бетакрорлиги билан кадрлидир. Бобур хам, сиз биладиган Машраб хам, Гафур Гулом хам, Абдулла Ориф хам хеч качон кайтарилимайди. Сизнинг бадиий тафаккур саёзлашиб бораётгани борасидаги хавотирингизга хам кўшилиш жуда кийин. Негаки, хазрат Навоий Алишер Навоийни ўкимай ижод килган бўлса, ундан кейингилар Навоий бадииятидан баҳра олиб улгайишяпти. Бунинг устига, хозирда очун кичрайиб, ахборот олиш осонлашиб, ўзга элларнинг бадиий тафаккуридан хам баҳраманд бўлинмокда. Бу хол,

сўзсиз, бадиий тафаккур теранлашувига хизмат килади.

Сизнинг адабиёт тўгрисидаги "...инсоннинг ...энг якин кўмакчи, сирдоши" деган фикрингизга тўла кўшиламан, лекин "маслахатчи"лиги борасида шубҳам бор. Асл адабиёт, менимча, маслахат бермайди, йўл кўрсатмайди. У кўнгилни излайди, уни тафтиш килади, кўнгил холатларини билдиради. Шу йўл билан ўкирман кўнглига хам таъсир кўрсатади. Кўполрок килиб айтгудек бўлсак, одам тирикчилиги учун адабиёт мутлако кераксиз ходиса. Аммо шундай кераксиз нарсаки, усиз одам тўла маънода одам бўйлмайди. Инсон тирикчилиги учун бевосита керак бўлмаган нарсаларга интилгани сари одамлашиб бораверади. Озикланиш, чанковни босиш, ухлаш, кўпайиш учун кўшилиш каби тирикчиликка керак нарсани хайвон хам килади. Одам ана шулардан бошка юксакрок нарсаларга эктиёж сезганда, танинг эмас, кўнгилнинг, рухнинг талбларини кондириш заруратини туйганда, гўзалликка интилиш маҳсули ўларок адабиёт керак бўлади. Шукурки, хозир хам одамларда шунга интилиш сезилади. Хаёт яхшиланавергани сари бу интилиши кучаяверади деб ўйлайман.

Адабиётнинг ўз кўкидан ерга тушиб, "тирикчилик манбаига, турмуш дастёрига, гоявий куролга" айланиб бораётгани борасидаги хавотирингизда, афсуски, жон бор. Оламдаги барча нарсанинг икки жихати бўлгани каби адабиёт хам бундан мустасно эмас. Одамзод хамма нарсани ўзига хизмат килдиргиси келади. Лекин бу муаммони хам бўрттириб юбормаган маъкул. Хозирги кунда хам гўзал бадиий асарлар кўплаб яратилаётганини ўзингиз биласиз.

Энди адабиётнинг саёзлашувига адабий танкид сабабчи деганга ўхшашрок фикрингизга келсак, унга кўшилмаслигимни айтай. Адабиёт саёзлашаётгани йўқ, аксинча, теранлашмокда. Олдинлари асарларда кўпроқ қахрамонларнинг бошидан ўтган воеалар тасвиrlанса, эндиликда одамнинг руҳий тўлганишлари, кўнгил кечинмалари, сония сайин ўзгариб турадиган сезимлари хам кўрсатилаётирки, уни саёзлашиш деб бўлмайди. Лекин адабий танкид - синчиллик кўнгилдагидай таъсир кучига эга бўлмаётгани бор гап. Ўзбек синчиллиги ўзбек адабиётининг олдида боролмаяпти, хатто, ёнма-ён хам кетолмаяпти, ортидан бораётир. Аммо бадиий адабиётга етиб олай деб жуда халлослаб югураётгани хам йўқ. Чунки кечим ўз холига ташлаб кўйилган. Йўналтириш, рагбат йўқ даражада.

Бундан кейин бу ахвол янада огирашса керак деб ўйлайман. Чунки келажакда синчилликка тайёрланиши зарур бўлган аспирантлар сони ўта кискартириб юборилди. Илмий даража учун ёкландиган диссертациялар йўлига шундай тўсиклар кўйилганки, кўпчилик истеъодларнинг уларни бартараф этишга кучи етмай коляпти.

Алишер Назар: Козокбой ака, мен цивилизацияни ёки унинг оламшумул имкониятларини рад этмокчи эмасман. Айтмокчи бўлганим: биз маҳлиё бўлаётгандан бу тараккиёт инсоният муаммоси кўламини камайтирмади, кўпайтирди, холос. Хазрат Навоийнинг кайта тугилмаслигини эса хамма яхши билади. Аммо бу улуг зотдек сўз санъаткорлари яна пайдо бўлса, бу адабиётимизга "огирлик" килмайди. Буни орзу килиш ва бу истакнинг амалга ошмаётганидан ўкиниш хам яхшиликдан нишонадир.

Албатта, айтиб ўтганингиздек эндиликда адабиётнинг теранлашаётгани, инсон руҳиятига кириб бораётгани бор гап. Аммо мен айтмокчи бўлган саёзлашув олдида бу "теранлашиш" андак гарип бўлиб колаётгандек. Сизнинг бунга адабий танкиднинг кўнгилдагидай таъсир кучига эга бўлмаётганини сабаб килиб кўрсатишингиз, адабий танкид соҳасини бир оз аяганингиздан дарак беради.

Менинг назаримда, сўнгти йилларда жилд-жилд "Танланган" ва "Сайланган"

асарларнинг пайдо бўлишига аслида адабий танкиднинг оксаб колгани сабабчидек туюлади. Эндиликда истаган одам роман ёзиши, шеър ёзиши, китоб чикариши мумкин бўлиб колди. Хатто, бундай тасодифий китобларга катта-катта "Сўзбоши"лар хам илова килинмоқдаки, беихтиёр ўкиётганинг ростдан хам "асар" эканига ишонгинг келади. Минг афсуски, бухолатга бизнинг тайёр жавобларимиз бор: хаммасини вакт кўрсатади! Вактнинг кўрсатишини кутиб ўтириш шартмикин? Ахир качонгача адабий асарларни вактга саралатамиз. Вакт асарларни саралагунча минглаб китобхоннинг бадиий диди нима бўлади?

Биринчи синфда ўкийдиган кизим бор. Якинда деразадан ташкарига караб: "Дада, ана, тентак кор ёгаяпти", деди. Мен унга дакки бердим: "Кизим, корни тентакка ўхшатиб бўлмайди". ".Бизнинг "Мусика" китобимиизда шунака шеър бор", деди. Ишониб-ишонмай китобни варакладим:

Дехконларга тилак кор,

Пахтаойга керак кор.

Гоҳо мени кувалаб.

Уйга камар тентак кор.

О-ла! Кайсиdir бир кинода қаҳрамон айтади-ку: "Бу оламда нималар бўляпти ўзи?" Ака, дарсликда бундан баттарлари хам бор экан. Колганини айтиб нима килдик, шунисини "хазм" килиб олайлик. Майли, бу тизмадаги дастлабки икки каторни бир амаллаб тушунишга харакат киламиз, аммо одамни "корнинг кувалаб кетиши"ни, "уйга камаб кўйиши"ни энг хаёлпараст бола хам тасаввур киломаса керак. Лекин бу бола ўзи тасаввур киломайдиган "шеър"ни кўшик килиб айтишга махкум! Эҳтимол, "алдагани бола яхши"дир, лекин бу болалар ўзимизники-ку! Бундай муносабат билан уларни маънавий майиб килиб кўймаймизми? Ахир болалик кўшиклари бир умр инсоннинг кўнглига муҳрланиб колади. Гап ёқмаса, бугун ўкиб эртага ташлаб юбориладиган китоб хакида эмас, юз минглаб болаларнинг кўлидаги дарслик хакида кетяпти. Тагин китобга нима деб ёзиб кўйибди, денг: "Тўлдирилган 10-нашри"! Яхшиям буниси тўлдирилган(!) экан. "Тўлди-рилмаган"лари канака бўлган, Худо билади.

Козокбой ака, сиз адабий маколаларингиздан бирида: "...муайян миллатнинг бадиий-эстетик тафаккури дарсликлар ёрдамида шакллантирилади ва шунга мувофик бўлади", - деб ёзган эдингиз. Модомики, масала шу кадар жиддий экан, бу борадаги локайдликни кандай тушуниш мумкин? Бунга бугунги адабий савиянинг назоратсизлиги сабаб эмасми?

Козокбой Йўлдошев: Жуда назоратга хавасманд йигит экансиз-да, Алишербек! Тараккиёт юксалгани сари муаммоларнинг кўпайиши бор гап ва шундай бўлиши хам керак. Одамнинг аклий-маънавий савияси ўсгани. сари унинг талаблари кўпайиб бораверади. Биласизки, талабнинг кўпайиши муаммони урчитади. Бизнинг кишлоқда бир оксокол кимга бўлса хам: "Ташвишинг кўп бўлсин!" - деб дуо киларди. Ундан: "Ташвишнинг кўпини нима киламан?" - деб сўрасак, бобо: "Хаёти яхши, соглиги жойида одамнинг ташвиши кўп бўлади. Бахтсиз одамда ташвиш битта бўлади: касал бўлса, факат тузалиш, оч бўлса, факат тўйиш, камокда бўлса, факат озод бўлиш ташвишини чекади. Хаёти яхши одамнинг ташвишида санок бўлмайди", - дердилар. Шунга ўхшаб муаммонинг кўплиги муаммо эмас, уларнинг ечилмаётгани муаммо.

"Танланган асарлар" ва "Сайланмалар" кўпайиб кетишида мен унчалар кўркулилк жихат кўрмайман. Ёзувчи бўлмаган бирор одамнинг "Мукаммал бадиий асарлари" чикиб колишидан кўркса бўлади. Бу муаммога керагидан ортиқ эътибор каратиш кишини асл

масаладан, яъни бадиий асар мохиятини англатиш заруриятидан чалгитади. Ойдинларнинг иши миллат ахлини танлаб китоб босишга эмас, балки танлаб китоб ўкишга йўналтиришдан иборат.

Ёшларда бадиий дид зўрлик ёки коровуллик билан эмас, табиий равища шакллантирилиши керак. Адабий синчилар жанговаррок бўлиб, савияси паст асарларни "уріб" туришса, улар камрок яратилган бўларди деган фикр жуда жўн карашdir. Ижод эркинлиги истагандай ёзиш ва чиқариш эркинлиги хамdir. Айни вактда хар бир ўкирманда танлаб ўкиш хурлиги борлиги хам эсда туриши керак.

Сизнинг миллат ёшлари бадиий дидини карор топтириши керак бўлган дарсликларнинг савияси тўгрисидаги куйинишингизда, минг афсуски, хакикат керагидан кўпроқ. Сиз келтирган мисол жудаям кўр-кинчлиси эмас. Исталган синфдаги кўпчилик ўкув фанларидан тайёрланган дарсликлар бундан кўра ан-ча аянчли мисолларни келтириш имконини беради. Хакикат шундаки, миллат ахлининг бадиий савияси дарсликлар савиясида бўлади. Чунки миллатнинг интеллектуал-маънавий киёфаси шу дарсликлар воситасида шакллантирилади. Бинобарин, дарсликлар нимага хизмат килиши кераклигини биладиган одамлар томонидан яратилиши лозим. Маълумки, адабиёт - ўкув фани, ёзувчи-шоир тайёрлаш учун ўки-тилмайди. Менимча, расм ва мусика каби сабоклар хам ёшларда рассомлик ёхуд кўшикчилик кобилиятини хосил килиш учун эмас, балки уларда расм санъати ва мусикани тушунишга хизмат киладиган дидни шакллантиришга йўналтирилиши зарур.

Дарсликлар тендер деб аталмиш усул асосида танланадиган бўлгач, умрида бировга бирор соат сабок бермаган одамлар хам дарслик ёзадиган бўлиб кетишиди. Олдинлари ўкувлик ёзиш методист олимларнинг иши бўларди, эндиликда ишбилармонларнинг "бизнеси"га айланди. Бундайлар дарслик ёзишни койил килишмаса хам товарни такдим этиш маҳоратини яхши эгаллаган бўлишади. Натижада, уларнинг дарслиги тендерда ютиб чикади. Танловга бир нарса деб бўладими?

Энг ёмони, ўқитувчилар тобора дарсликларнинг яхши-ёмонини фаркламайдиган, уларнинг савиясига кизикмайдиган бўлиб колишяпти. Улар нимани, кандай ўқитишни ўйлашдан кўра, адоги йўқ когоzlар оқими ичida чўкиб кетмаслик тўгрисида кўпроқ кайгурадиган холатга келишди.

Академлицейлар ва коллежларнинг айрим боскичлари учун шу вактга кадар "Адабиёт" дарслиги яратилмаганини кандай изохлаш мумкин? Лекин адабиёт сабоклари ўтиляпти. XXI асрда, таълим учун триллионлаб маблаг сарфланаётган юртда адабиётсиз адабиёт ўқитилаётir.

Ахвол шу даражага етганки, адабиёт хафтасига уч соатдан ўқитиладиган тўккизинчи синф "Адабиёт" дарслигининг хажми адабиёт предмети хафтасига икки соат ўқитиладиган саккизинчи, еттинчи, олтинчи, борингки, хатго, бешинчи синф дарслигидан хам кичик Бутун жамият маънавият учун курашиш хаёт-мамот масаласи эканини тан олиб турган бир паллада битирувчи синф ўкувчилари адабиётдан маҳрум этилаётir. Тегишли мутахассислардан нега шундайлиги сўралса, ўрта мактаб дарсликларининг оғирлиги нормадан ортиқ бўлмаслиги керак деб жавоб беришади. Лекин тўккизинчи синфдаги ўспириналрга бешинчи синф ўсмирларидан камрок юк кўтариш белгиланган бундай мантиксиз нормани бартараф киладиган бирор одам йўк. Бундан ташкари, умумтаълим мактабларининг адабиёт дастурларига истисносиз хар йили ўзгариш киритилади. "Адабиёт" дарслиги журнал маколаси, мактаб тажриба майдони, ўкувчилар синалавчи объектлар эмаслигини таълим тизими мутасаддилари

тушунгилари келмаётганга ўхшайди. Кечирасиз, адабий кечим ва адабий синчилик хакида гапираётиб, ўқитиш ташвишларига ўтиб кетдик. Начора, бу жуда мухим муаммо-да!

Алишер Назар: Муаммо, таъбир жоиз бўлса хумда турган мусалласга ўхшайди. Мусаллас канча кўп вакт турса унинг таъсир кучи шунча ортади. У шунчалик ортадики, бир кун келиб хумни ёради. Бундан чикадики, хар бир муаммо вактида англаниши ва ўз вактида хал этиш максадга мувофикдир.

Козокбой ака, "...миллат ахлини... танлаб китоб ўкишга йўналтириш..." тадрижий таълим-тарбия маҳсулидир. Савиясиз ижод намуналари билан "оziкланиб" улгайган болани танлаб китоб ўкишга йўналтириб бўлмайди. Шундай экан, кечирасизу, барибир яна ўша гапга келамиз: бу масалада том маънода адабиётшуносларимизнинг фидойилигига мухтожмиз.

Якинда Каҳрамон шоирларимиздан бири айтиб колди: Абдулла Каҳхор вафот этишидан сал аввалрок ўзига якин хамкасларидан бирини чакириб: "Менга кара, менинг бу дунёда дўстим хам йўқ, душманим хам йўқ. Нима килган бўлсан, адабиёт учун килганман", дебди. Ха, хар бир соҳа, жумладан, адабиёт хам ўзининг фидойилари билан бархаёт. Адабиётдаги фидойилик ХОЛИС эътирофдир.

Мен юкорида тасодифий китоблар ва уларга ёзилаётган катта-катта "Сўзбоши"лар ха-кида айтаётганимда, мана шу холис эътирофнинг йўклигини назарда тутган эдим. Бу иддаога кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Хатто, сизнинг ижодингиздан хам. Сўнгги йилларда "Сўзбоши" ёзиб берган ўнлаб китоб-ларингизнинг биридаги мана бу сатрларга ва унинг шархига диккат киламиз:

Кирк бешга жимгина, ёлгиз, бенаво,
Хотиржам киряпман, локайд, бепарво
Кирган каби худди кабрга...

"Кабрга кирадиган жасадгина ёлгиз, бенаво, ло-кайд, бепарво бўлади. Кирк бешга кираётган одамнинг шундай хусусиятларга эгалиги улкан умр фожиасидан далолатдирки, уни тасаввур килиш ва бу хакда бирор тўхтамга келиш ўкирман шахснинг кан-чалик баландлигига bogлик".

Айнан шу мисралар таъсирида яна шундай теран мулохазаларни баён килгансизки, рости, шахсан мен шеърдан эмас, сизнинг тах-лилингиздан кўпроқ таъсиrlандим. Айтганингиздек, эктимол бу сатрларни тушуниш хар кимнинг "баланд"лигига bogликдир. Лекин бу мисралар мени хаяжонга эмас, ташвишга солди. Негалигини айтами?

Аввало, мени мутаассиблика айбламассиз деган умид билан айтмокчиман: инсон зоти борки, кабрга хотиржам, бепарво ва локайд бўлиб кирмайди. Кабр-инсон учун энг кўп ташвишланадиган, энг кўп диккат бўладиган бир манзил! Бу манзилда хеч бир зот бепарво, локайд бўлолмайди. Биз бунга сидкидилдан ишонамиз ва шунинг учун хам мусулмонмиз. Менимча, бу сингари мисраларни факат хиссиётга таянган холда шархлаш унчалик тўгри эмас. Кўшимча маънолар ахтариш эса зўрма-зўракиликка ўхшаб кўринади. Чунки бу мисраларга "объект" бўлаётган кабр масаласида хакикат битта! У хеч качон иккита бўлмайди. Бу ўринда сиз шархингизда айтмокчи бўлган "Руҳий манзара..." хакконий эмас.

Козокбой ака, адабиёт борасида сиз билан бахслашмокха журъат килолмаймиз ва бунга хатто маънавий хакимиз хам йўқ. Аммо бир истихолам бор: "фалон китобга Козокбой

Йўлдошев сўзбоши ёзган экан" дейилса, адабий жамоатчилик дархол хушёр тортади. Чунки адабиёт майдонида сизнинг эътирофингизнинг ўз киммати бор. Аксарият ижодкорлар сизнинг эътиборингизга тушишни исташади. Адабиёт ва адабиётшунослик борасидаги фикрларингиз хам бошкалардан фарқ килишини биламиз. Аммо сўнгги пайтларда бадиий асарлар ва уларнинг ижодкорлари хакида фикр билдирганда, бироз муболагага ва юзхотирликка берилаётгандексиз...

Козокбой Йўлдошев: Менда гурунгимизнинг шу вактигача бўлган кисми мана шу гапларни айтишингизга тайёргарлик, менинг этимни "ўлдириб", эътиrozларингизни билдиришга хозирликдай бўлиб туюлаёттир ва ўз соддалигимдан нечанчи бор хижолат тортаётирман. Балки, адашаётгандирман, аммо менга бизнинг ўзбек ёппасига бир-бировини эшитишни истамайдиган улус бўлиб туюлаверади. Ўрисда: "Хеч качон хеч качон дема", - деганга ўхшаш накл бор. Биз хамма нарсани дархол ё у ёклик килиб ташлагимиз келаверади. Мана, сиз хам хадеб: "Хар бир масаланинг хакикати битта бўлади", - деяпсиз. Нега энди битта бўларкан? Ўша масаладаги сиз топган битта хакикат сизнинг хакикатингиз. Лекин мен нега унга риоя килишим керак? Мен бошкacha хакикатни топган бўлсам-у, у бировларга маъкул келмагани учун ўзгартирайинми? Хакикат битта бўлади дегани, бутун миллатга битта бош етарли деганга ўхшаш гап. Хакикатнинг битталигини факат Яратганинг битталигига нисбатангина ишлатиш ўринли. Бошка хар кандай шароитда ўйлайдиган одам нечта бўлса, хакикат хам ўшанча бўлади.

Сиз мен учун хижолат бўлган шеърий сатрлардан мен топган фазилатлар сизга ўтиришмаган бўлса, карашларимдан воз кечайми ёки сизга таъсир килишга уриниб кўрайми? Сизда Козокбой домла айтган бу гапларни "Сўзбоши" ёздирган шоирнинг ўзи ўргатган ёхуд уни мажбур килган деган шубха борми? Шоир ёзганида мен айтганларни ўйлаганмикан ўзи? Бунга кафолат беролмайман. Лекин бир ўкирман сифатида шу сатрларда мен шу рухият мавжларини туйдим ва туйганимни туйганимдай ёздим.

Сиз: "...инсон зоти борки, кабрга хотиржам, бепарво ва локайд бўлиб кирмайди", - деб жуда тўгри айтасиз. Лекин сиз тирик одам хакида гапираётурсиз. Жасадга эса, жойида ётгани-ку тузук, лекин каёкка олиб кетилаётганининг фарки йўк. Руҳидан айро тушган жasad буни ўйлай олмайди. Шоира айнан ўлмай туриб, жасадга айланган, ёлгиз, бенаво, локайд холича умр манзилининг кирк бешига етиб келган аёлнинг оғир бир руҳий холатини манзаралаштирган.

Менинг адабиётдаги ўрним тўгёрисидаги илик гапларингизга куллук килган холда сўзбошиларимнинг бирортаси учун хижолатлик эмаслигимни айтаман. Сиз айтганларга ўхшаш эътиrozларни, синчи касбдошларим-ку майли, хатто, сўзбоши олган баъзи ижодкорлар хам айтишади. Лекин эътиrozларини ўзгалар хакида ёзилганларига каратади, ўзларига эмас. Бизнинг адабиётимиз бошидаги улкан фожианинг илдизи айнан шу ерда, деб ўйлайман. Яъни бизнинг бировни тушунишни билмаганимиз бир сари, аммо тушунишни хам истамаганимиз, тушунтиришларини ёктирганимиз дахшат.

Тушгунмаганимиз учун бир-биримизни билмаймиз, билмасдан туриб, тан олмаймиз, инкор киламиз. Кейин: "Нега ўзбек адабиётини дунё танимайди? - дея чин дилдан ўксиниб хам кўямиз. Биз ўзимизни ўзимиз туймасак, тушунмасак, тушунти rmsак, танимасак, ким бизни танийди? Кандай килиб ва нега таниши керак? Мисол учун, бизда Ўқтамой деган шоирани кўпчилик билмайди. Билганларнинг бир кисми тан олгиси келмайди. Холбуки, кейинги тўрт-беш йилда Хиндистонда шу шоира кизнинг инглиз, панжоб ва хинд тилларида учта китоби кўп нусхада чиқди. Хатто, адабиёт масалалари

билан шугулланадиган Хиндистон Сахитя академияси Ўқтамойнинг инглиз тилида чиккан китобининг юзочди (такдимот) маросимини ўтказиб, ўз хисобларидан шоирани таклиф хам килишди. Хозир шу шоира интернетга киритилган олтмиш уч минг дунё шоирлари орасида 50- ўринда турибди. Кўринадики, бизда бир-бирини тушуниш ва тан олиш деган муаммо хам бор...

Ўйлайсизки, мен калам чархлаб, енг шимариб ким янги китоб чикарар экан-у унга качон сўзбоши ёки такриз ёзиб берар эканман деб пойлаб турибман. Мен бир нарсани биламан: хар кандай одам тушенилгиси келади. Айникса, ижодкор. Уни ижод килишга ундан нарса хам айнан бошкалар томонидан тушунилиш истаги эмасми?! Синчининг, умуман, адабиёт танувчиликнинг вазифаси ўкирманга ёзарман битигининг диккатга лойик жойларини кўрсатиб, нимадан, нима учун, кандай таъсирланишга йўналтириш деб ўйлайман. Хамма гап бадиий асардан нима кидиришда, ундаги бор гўзаллик ва эзгуликни кўра ва кўрсата билишда. Мен хеч качон, хеч бир ижодкорнинг хеч кайси асар тўғрисида ўзимча, кўкка караб фикр айтмадим. Хамиша матнга, факат матнга таяндим ва ундан келиб чиқдим.

Ўйламанг, Йўлдошев домла хар кандай китобга сўзбоши ёки такриз ёза олади деб. Кўп бўлмасаям, хеч нарса ёзолмаган холатларим бўлган. Лекин Каххор домла айтмокчидек, тухумдан тук кидириб, ёзувчининг бошига чертиб макола ёзолмайман. Кандай асар хакида ёзган бўлсам, уни яхши кўриб колгач, ёзишга арзийдиган жихатларини топгачгина, калам сурганман.

Адабиётга фидойилик унинг дарвозасида таёк кўтариб сокчилик килиш эмас, деб ўйлайман. Адабиёт сиёсатнинг югурдагига айланган, ўкирманлар савияси бошкарувга муҳтоҷ даврларда сокчига эктиёж бўлган. Шунда хам юкоридаги бошкарувчилар учун. Энди бадиий асар ва унинг ижодкорини тушуниш ва тушунтириш, асарни жозибали килган жихатларга ўкирман диккатини каратиш даври келди. Мен фидойиликни шу жабхада кўраман. Хали дунё тажрибасида талантсиз адибни танкид килиб, талантли килолган синчи ё ёзувчи бўлган эмас. Фидойилар кўп бўлган замонларда хам талантсизлар улардан камрок бўлмаган. Кейин адабиёт синчи ёки адабиёт танувчининг маҳрига тушган мулк эмас, у гўзаллик чечакзори. Сайр килгиси келган кишики бор, унга киргиси келади ва бунга хакдор.

Алишер Назар: Козокбой ака, сиз бир оз кизишган мана шу нуктада мулокртимизни хотималасак. Лекин айтиб кўяй: сизнинг сўнгти мулохазаларингизга унчалик кўшилолмайман. Сиз "...негадир ўзбек ёппасига бир-бировини эшлишини истамайдиган улус бўлиб туюлаверади" деб жуда тўгри айтасиз. Мана сизни олайлик, баъзи бир шархларингизни озгина ноўринрок, эмасмикин деб фикр билдирган эдик, дарров айблашга ўтиб кетдингиз. Чунки сиз хам эшлишини истамайдиган шу улуснинг типик вакилисиз-да!

Козокбой Йўлдошев: Типик-ку эмасман, аммо шу улуснинг вакили эканим чин. Бинобарин, унинг фазилату иллатлари менга хам бегона эмасдир. Лекин кизишмадим, балки фикримни кизгинрок исботламокчи бўлдим. Лекин мен ўзгаларда ўзгачарок фикр бўлишига асло карши эмасман ва бошкачарок фикрлашни айб санамайман.

Алишер Назар: Тўгри, айтганингиздек хар бир инсоннинг ўз хакикати бор. Аммо бу хаётда инсоннинг акл-заковати билан ўлчанмайдиган хакикатлар хам бор-да. Инсоннинг шахсий дунёкараши дахл килолмайдиган масалалар мавжуд. Кабр ана шундай масалалардан биридир. Бу масала акида илмига хос бўлиб, аввало, шунга ўхшаган сўзларни ёки ўхшатишларни келтираётган ижодкор бу муҳташам илмдан озгина

хабардор бўлиши талаб этилади.

Козокбой Йўлдошев: Инсоннинг акл-заковати билан ўлчанмайдиган хакикатларга амал килинмагани учун инсонларни айб-лаш канчалик аклдан бўлади? Шоир бечора кабрни эмас, ўз кўнглиниңг ўлгани борасида ёзгирган.

Алишер Назар: Шоир дўстларимиздан бири матбуотда эълон килган шеърларидан бирида махбубасининг хаётида ўзини "парвардигорман" дебди. Яна бири махбубасини Расулни севгандек севишини иддао килибди. Тўгри, бир караганда ошик шоирларни тушунса бўладигандек, бирок хар кандай муболагада мантиқ, ўхшатишда асос бўлиши керак. Афсуски сўнгги пайтларда айрим ижодкорларимизнинг ижод намуналарида илохий атамаларни кўллаш урф бўлиб колди. Бу хол масъулиятсизликдан бошка нарса эмас.

Сиз айтасизки, инсон зоти кабрга хотиржам киролмаслиги тўгри, лекин "...сиз тирик одам хакида гапираётурсиз. Жасадга эса, жойида ётгани-ку тузук, лекин каёкка олиб кетилаётганининг фарки йўк. ...Шоир эса айнан ўлмай туриб ўликка айланган, ...локайд ...рухий холатини манзаралаштирган". Аввало, тирик билан ўлик учун бошка-бошка кабр бўлмайди. Хар икки холатда хам кўз олдимида бир хил манзара хосил бўлади. Айнан шу бир хилликдан эса икки хил хulosча чиқариб бўлмайди. Колаверса, ўлик тан учун каёкка олиб кетилаётганининг жуда фарки бор-да! Агар бу хакда гаплашсак, ўзимиз хам мукаммал билмаган соҳаларга ўтиб кетамиз.

Козокбой Йўлдошев: Тўгри айтасиз, ўзимиз билмаган соҳаларга ўтиб кетмаганимиз маъкул. Алишербек, гап бахсада ютиб чикишда эмас, балки халкка фойдаси тегадиган фикрга келишда. Шунинг учун хам менинг айтганларимдан ўлик ва тирикка бошка-бошка кабр бўллади деган маъно келиб чиккан бўлса, демак, мен фикрларимни тушунтириб беролмабман.

Алишер Назар: Дарҳакикат, адабиётнинг миллат калби ва рухияти билан бөгликлиги хусусида, жамият хаётида адабиётнинг ўрни нечоглик эканлиги хакида хамма замонларда баҳслар, тортишувлар бўлган. Бундан бир неча йиллар муқаддам мархум адибимиз Шукур Холмирзаев "Адабиёт ўладими?" деган савол билан матбуот оркали сўз ахлига мурожаат килганини яхши биламиз. Аммо адабиётнинг умри узун бўлишини, янайм тўгрироги, бу умрнинг мангуликка дахлдор бўлишини истаган, хаётини шу максадга сафарбар этган инсонлар хоки туробга айланди хамки, адабиёт яшашда давом этаётир ва яшаяжак. Аммо мана шу жараёнда адабий тан-қидчиликнинг хам ўз вазифаси борлигини унутмаслик керак. Бу вазифа эса китобхонга чинакам адабий асарларни саралаб беришда кўзга ташланади.